



05.12.2022 даги

"Жахон Килич" МЧЖ ва Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 432500000,00 сўм умумий
суммага тузилган 6 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860332207065200110005

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4332900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	432 500 000,00			432 500 000,00
Жами йил бўйича	432 500 000,00			432 500 000,00

Жами 432500000,00 сўм

Тўрт юз ўттиз икки миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 129750000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
40 % ***2022 Декабр ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига — % жорий ойнинг — санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Рузметов Азад Камунович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Кушназаров Камилжон
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« » 20 й.

« » 20 й.

Пудрат шартномаси 6-сон

Хазорасп тумани

05.12.2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармасиномидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи А.Рўзметов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “JAXON QILICH” МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Р.Абдуллаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

V. Таърифлар

Мазкур шартномада таърифлар қўлланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда капитал таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“капитал таъмирлаш майдони”: Мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг капитал таъмирлаш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан капитал таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: Сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган вақтинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

“шартномани нархини бўлиб чиқиш”: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “ХАЗОРАСП ТУМАНИ КИРТЕПА МФЙ ДА ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИНИ 1.1 КМ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА 27 ТА ТУНГИ ЁРИТГИЧ УСТУНЛАРИНИ УРНАТИШ” объекти бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига капитал таъмирлаш-таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил 25- ноябрдаги лот рақами-191223 конкурс комиссияси баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи билан 432 500 000 (Тўрт юз ўттиз икки миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- капитал таъмирлаш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг капитал таъмирлаши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Капитал таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 фоизини ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- капитал таъмирлаш майдонида зарур капитал таъмирлаш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, капитал таъмирлаш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;
- капитал таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- капитал таъмирлаш таваккалчилигини суғурта қилиш.
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда капитал таъмирлаш майдонини ўзига тегишли капитал таъмирлаш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, капитал таъмирлаш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- капитал таъмирлаш майдонини кўриқланишини таъминлаш;
- капитал таъмирлаш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (капитал таъмирлаш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган капитал таъмирлаш майдонини объект капитал таъмирлаши ва капитал таъмирлаш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий капитал таъмирлашда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир кунчида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2.Тендер натижаси бўйича аниқланган капитал таъмирлашнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади. Умумий шартномани амал қилиш муддати 31.12.2022 йил.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказилади, бу **129 750 000 (Бир юз йигирма туккиз миллион етти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади, қолган маблағни бажарилган ишлар далолатномасига асосан, пропорционал равишда ушлаб қолади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2-илова).

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектда физик бажарилган ишларнинг умумий жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми (Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб)капитал таъмирлаш тугалланиб, объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган кунданбошлабмазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида амалга оширилади:

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 15 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи капитал таъмирлаш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачи номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган капитал таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4.Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5.Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини капитал таъмирлашда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6.Капитал таъмирлаш объектида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи капитал таъмирлаш объектини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бирвақтда Пудратчига ортикча капитал таъмирлаш ахлатини чиқариш учун ер майдони беради.

8.8. Буюртмачи объектни бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда капитал таъмирлаш объектини тақдимэтади.

8.9. Капитал таъмирлаш объектида ишларни бажариш даврида муҳандислик коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан ўрнатиладиган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.10. Пудратчи ўзи томонидан капитал таъмирлашда қўлланиладиган капитал таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.11. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва капитал таъмирлашда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.12. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг капитал таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.13. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.14. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у буҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг капитал таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.15. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва капитал таъмирлаш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбушартнома 8.14.бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузатаолмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.16. Пудратчи капитал таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўчаполосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озодасаклайди, капитал таъмирлаш даврида майдонда капитал таъмирлаш ахлатини Буюртмачитомонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.17. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, капитал таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек капитал таъмирлашни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда баргараф этишчора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишлариниқўриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан капитал таъмирлаш тугаллагунча ва капитал таъмирлаш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган капитал таъмирлаш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар капитал таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Капитал таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиболиш

11.1. Капитал таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек капитал таъмирлаши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи капитал таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда капитал таъмирлаш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланиладиган капитал таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

- объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар капитал таъмирлаши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати 24 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш капитал таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин капитал таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан биройдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан биройдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари капитал таъмирлаш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилганишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган капитал таъмирлаш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риояқилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган ҳар бир куннинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилганишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслигикерак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, капитал таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи капитал таъмирлашда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи тарафга қилинган ҳарожатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.

15.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

15.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳарожатлар(ҳароқатсизлик)га йўл қўймайдилар.

15.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш; - товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш; - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

15.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан: - тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳароқат(ҳароқатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳароқатни бажаришни.

15.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

15.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг

15.1- бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир йетилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

16.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. Пудратчи капитал таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин капитал таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи капитал таъмирлаш майдонини бўшатиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

“Хазорасп тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Хазорасп тумани А.Навоий кўчаси1-уй

Телефон: (62)33-21-870

ш/хр: 100022860332207065200110005

СТИР 206944002

ОКЭД:61110

Молия вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варағи

х/р: 23402000300100001010

Банк М/Б ХККМ Тошкент шаҳри

МФО 00014

ИНН:201122919

Бошлик:  А.Рузметов

М.У.

“JAXON QILICH” MCHJ

Манзили: Хазорасп тумани Г.Гулом кучаси 33 уй

Банк: ТИФ Миллий банк Хазорасп филиали

Х/Р: 20208000400859081001

МФО: 00860

ИНН: 305418004

ОКЭД: 41202

Раҳбар:  Р.Абдуллаев

М.У.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GX8443072045

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XAZORASP TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tuman
yuridik xizmat
ko`rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



Z.SH.NIYOZMATOV

05.12.2022


Хазорасп туманидаги "Киртепа" МФЙ да пиёдалар йулагини 1,1 км мукаммал таъмирлаш ва 27 та тунги ёритгич устунлари урнатиш бўйича танлов савдосида ютиб олинган маблағларни ишларини бажариш жадвали

05.12.2022 йилдаги №6-сонли шартномага 2-илова

№	Ишлар тури ва объект номи	Жами молиялаштирилган маблағ (минг сўм)	ишларни бажариш жадвали (минг сўм)												Иш турлари бўйича умумий қиймати (минг сўм)
			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			ноябр	декабр		
			апрел	май	июнь	июл	август	сентябр	октябр	ноябр					
1		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13			
1	Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да пиёдалар йулагини 1,1 км мукаммал таъмирлаш ва 27 та тунги ёритгич устунлари урнатиш	432500000											432500000	432500000	
	Жами:	432500000			0	0	0	0	0	0	0	0	432500000	432500000	



Хазорасп туман "Ободонлаштириш бошқарма"си бошлиғи: _____ **А.Рўзметов**



"Жаҳон Қилич" МЧЖ раҳбари _____ **Р.Абдуллаев**

Хазорасп туманидаги "Қиртепа" МФЙ да пиёдалар йулагини 1,1 км мукаммал таъмирлаш ва 27 та тунги ёритгич устунлари урнатиш бўйича танлов савдосида ютиб олинган маблағларни молиялаштириш жадвали

05.12.2022 йилдаги №6-сонли шартномага 1-илова

№	Ишлар тури ва объект номи	Жами молиялаштирилган маблағ (минг сўм)	Бажарилган ишларни Молиялаштириш (минг сўм)												Иш турлари бўйича умумий қиймати (минг сўм)
			2-чорак			3-чорак			4-чорак			декабр			
			апрел	май	июнь	июл	август	сентябр	октябр	ноябр					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13			
1	Хазорасп тумани Қиртепа МФЙ да пиёдалар йулагини 1,1 км мукаммал таъмирлаш ва 27 та тунги ёритгич устунлари урнатиш	432500000											432500000	432500000	
	Жами:	432500000			0	0	0	0	0	0	0	0	432500000	432500000	



Хазорасп туман "Ободонлаштириш бошкарма"си бошлиғи: А.Рўзметов



Хазорасп туман "Жаҳон Қилич" МЧЖ раҳбари Р.Абдуллаев



"КЕЛИШИЛДИ"
 Хазорасп тумани моллия бirlими мудирини
 Ш. Хужаниёв



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
 Хазорасп тумани хокими уринбосари
 О. Абдиримов

Хазорасп тумани Гулзор МФЙ ва Киртепа МФЙларда пидедалар йулагини 1,1 км мукамал таъмирлаш ва 27 та тунги ёриттич устунлари урнатиш ишларини бажариш учун 2022 йилга ажратилган маблағларнинг манзиллий РИИХАТИ

сўмда

№	Богча раками ва манзиллий	Курилиш бошланиш ва тугалланиш йили	Лойиҳавий қуваат тегишли ўлчов бирликларда (М2)	Пудрат шартномаси тузилиши вақтида курилишнинг умумий қиймати	2022 йил лимитига асосан капитал қўйилмалар	Курилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	Буюртмачи харажатлари	Шу жумладан			2023 йил 1 январь ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймат	Пудратчи курилиш ташкилотлари	
								Буюртмачи харажатлари	9	10			11
Хазорасп тумани													
1	Хазорасп тумани Гулзор МФЙ да пидедалар йулагини 1,1 км мукамал таъмирлаш ва 27 та тунги ёриттич устунлари урнатиш ишларини бажариш	2022й	1	445 307 000,0	445 307 000,0	433 307 000	12000000	0	12 000 000	0	0	0	Танлов асосида
2	Хазорасп тумани Киртепа МФЙ да пидедалар йулагини 1,1 км мукамал таъмирлаш ва 27 та тунги ёриттич устунлари урнатиш ишларини бажариш	2022й	1	445 307 000,0	445 307 000	433 307 000	12000000	0	12 000 000	0	0	0	Танлов асосида
Жами		2022й	2	890 614 000	890 614 000	866 614 000,00	24 000 000	-	24 000 000	-	-	-	



Хазорасп тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғини
 А. Рузметов



**ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА
0014590- СОНЛИ СУҒУРТА ПОЛИСИ**

1. Суғурта қилдирувчининг номи	“Jaxon Qilich” МСНҲ	
2. Қурилиш объекти	Хазарасп тумани “Қирктепа” М.Ф.Йда 1.1 км узунликда пиёдалар йўлакчасини қуриш ва 27 дона тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш	
3. Қурилиш олиб борилаётган Манзил	Хазарасп тумани “Қирктепа” М.Ф.Й	
4. Қурилиш баҳоси	432 500 000 (Тўрт юз уттиз икки миллион беш юз минг) сўм	
5. Суғурталанган хавфлар (калтирилклар) ва суғурта пуллари	-Хар қандай қўйилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натижасида суғурталанган мулкнинг шикастланишига ёки побуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнғин, чакмоқ, порглан, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзиндан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг касдан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босини, қуиурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, zilzila, сея, кўчки, туپроқнинг чўкиши, ўпирилиши, кулаш, кеска туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулаб тушиши, нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўлланидан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқароник жавобгарлигининг пайдо бўлишидан.	Суғурта пули 346 000 000 (Уч юз кюрк олти миллион) сўм (рақам ва ёзув билан) 80% (саксон)
Шу жумладан:	Моддий зарар	
	Жавобгарлик	
6. Суғурта полиси муддати	2022 йил «6» декабрдан 2023 йил «5» декабргача	
7. Суғурта мукофоти:	1 107 200 (Бир миллион бир юз етти минг икки юз) сўм	
8. Шартсиз Франшиза	() сўм. (рақам ва ёзув билан)	
<p>“Ўзагросуғурта” АЖ</p> <p>Янгиарис суғурта қилдирувчиси (лидент широкисети)</p> <p>в.в.б. мунжакар Д.И.Хамидов</p> <p>М.Ў.</p> 	<p>Суғурта қилдирувчи:</p> <p>Суғурта қондаси билан танишилди, полисини асл нусхасини олдим.</p> <p>2022 й. “6” декабр</p> <p>Р. Абдуллаев</p> <p>(Ф.И.Ш.)</p> <p>М.Ў.</p> 	